

Тошкент автомобиль-йўллар институти

“Автомобиль йўллари ва аэродромлар” кафедраси

**Махсус мавзу бўйича ZiyoNet ахборот таълим тармоғи  
учун материал**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА**

*м.ф.н., ТАЙИ профессори Қодирова А.Р.*

Тошкент, 2011

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қарорлари амалда**

Бундан неча юз йиллар аввал халқларни бир - бири билан боғлаган карvon йўллари бугун магистрал йўлларга айланди. Шундай йўллардан бири Буюк Ипак йўлидир. Мағрибу, машриқни боғлаган, халқлар тарихи ва тараққиётининг энг кучли ҳалқаларидан бири бўлган Буюк Ипак йўли дунёга машхур Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Ўш шаҳарлари орқали Қашқардан ўтиб йўналишини давом эттирган.

Бу йўналиш Европа қитъасини Осиёнинг океан сарҳадлари билан боғлайдиган ва халқаро миқёсда олтин камар вазифасини бажарувчи муҳим артерия ҳисобланади. Ҳозирда эса “Трансконтинентал йўналиши” деб ном олган. Президентимизнинг ташабbusи билан “Буюк Ипак йўли” ни тиклаш тўғрисидаги қонун қабул қилинишидан, транспорт йўлаги бўйича халқаро анжуманларда қатнашиб, шартномалар, битимлар тузилиши, айниқса “Европа – Кавказ - Осиё” транспорт йўлаги (ТРАСЕКА) ни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлардан мақсад жаҳон бозорига чиқиш ва Ўзбекистоннинг ривожига ривож қўшишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов автомобил йўлларини ривожланишига катта аҳамият беришлари туфайли “Автомобил йўллари тўғрисидаги” қонун 2 октябр 2007 №УРҚ-117 да қайта кўриб чиқилди. Ушбу қонунда автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 30 та модда келтирилган. Унда идоралар ва корхоналарга қарашли автомобил йўллари биргаликда хўжалик автомобил йўллари деб аталадиган бўлди, ҳамда шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари таснифи қўшилган.

Республикамиз бўйича барча турдаги транспортларда ташилаётган йўловчиларнинг 96,6%, юкларни эса 81,3% айнан автомобил транспорти

хиссасига тўғри келади. Демак, мамлакатимизда бу транспорт воситасига талаб катта. Йўл тармоғининг умумий узунлиги Республика бўйича 184 000 км га яқин.

Ўзбекистон Республикаси умум фойдаланувдаги автомобил йўллари ”Ўзавтойўл” ДАК бўйича умумий узунлиги 42530 км, шундан халқаро 3626 км, давлат 16909 км, вилоят-11668 км ва маҳаллий аҳамиятдаги 10327 км га эга.

Кейинги 2005-2010 йиллар ичida Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар автомобил йўлларини янада яхшилашни мақсад қилиб қўйган.

Бунинг учун Президентимизнинг 2006 йил 3 марта ПҚ-299-сонли қарори, 2006 йил 25.10даги ПҚ 499- сонли қарори, 2006 йил, 14.11 даги ПҚ- 511-сонли қарори, 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли қарори, 2005 йил, 30 сентябрдаги Р-2338-ракамли фармони, 2006 йил, 1 ноябрдаги №226- сонли Вазирлар Маҳкамасини қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил, 12 августдаги 194-сонли қарори, 2009 йил, 22 апрелдаги ПҚ-1103- сонли қарори, 2009 йил 20 июлдаги ПҚ-1164-сонли қарори 2009 йил 22 октябрдаги №277-сонли Вазирлар Маҳкамасини қарори 2010 йил 27.01 даги Вазирлар Маҳкамасини мажлисларида кўрилди.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан кейинги 2006-2010 йиллардаги қарор ва фармойишларда кўтарилиган масалалар бўйича кўрилган чора- тадбирлар:

”Ўзавтойўл” ДАК ни ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича ўзгартишилар қилинди. “2007-2010 йилларда умум фойдаланувдаги йўлларни қурилишини ривожлантириш чора- тадбирлари” қарорига кўра ”Ўзавтойўл” ДАК томонидан қурилишни ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича қуидагиларни ҳисобга олган ҳолда, йўлларни ҳозирги ҳолатини ва транспорт воситалари ҳаракатини ўсиб бориш жадаллигини аниқлаш;

Евроосиё халқаро транспорт бозори тизимида муносиб қатнашчи бўлиш учун қўйидаги йўналишлар таркибиға кирадиган йўлларни босқичма –bosқич қуриш ва қайта таъмирлаш, яъни МДҲ ва Европа мамлакатлариға чиқиши таъминлайдиган “Гузор-Бухоро- Нукус-Кўнғирот-Бейнов”, “Олмата- Бишкек-Тошкент- Термиз” ва “Навойи-Учқудук” ва Қора денгиз портлариға чиқишини таъминлайдиган “Самарқанд- Навоий-Бухоро -Олот” йўллари.

Концепциядаги масалаларни бажаришда 679 км автомобил йўлларини, шу жумладан 489 км халқаро транспорт маршрутлари таркибиға кирадиган йўллар ва 190 км давлат аҳамиятига эга йўлларни қуриш ва қайта таъмирлаш, I - тоифадаги йўлларни 557 км га, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг умумий узунлигини 2743 км га узайтириш, шунингдек Республика ичидаги юк ва йўловчи ташишни 60-70% га ошириш ва халқаро ва транзит юк ташишларни ўртacha 45-55% га шу жумладан “Кўнғирот-Бейнов” йўналишида 2,5-3,0 баравар кўпайтиришни таъминлаш имконини берди.

Автомобил йўлларини, аввало халқаро ва давлат аҳамиятига эга йўлларнинг транспорт- эксплуатация сифатларини халқаро меъёрлар ва стандартлар талаблари даражасига кўтариш, юклар в йўловчиларни ташишнинг барча йўналишлари бўйича рақобатбардош транзитни амалга ошириш, ҳамда аврияларни камайтириш кўрилган.

Президентимиз томонидан чиқарилган 2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги ПҚ - 1103-қарорига асосан Ўзбекистон миллий автомагистралини йўналишларини номи ва унга кирадиган автомобил йўллари бўйича 2009-2014 йиллар ичida қуриладиган транспорт ечимлари кўприклар, йўл ўтказгичлар ва йўлни техник параметрларни оширилиши ҳамда 4 полосали цементбетон қопламали йўлни узунлиги 400 км, 4 полосали асфальтбетон қопламали

йўлини узунлиги 813 км, 2 полосали асфальтбетон йўли 288 кмга, шунингдек, кўприк ва йўл ўтказгични қуриш ва реконструкция қилиш 1488 пм ҳамда 7 та транспорт развязкани қуриш режалаштирилган.

27 январ 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасини мажлиси бўлиб, ҳалқаро аҳамиятдаги “Тошкент - Ўш” йўлини 116-214 км ни ҳолатини яхшилаш масаласига оид кўриладиган чора-тадбирларни кўриш, чунки темир йўл транспорти бўйича ташиладиган юкни 4,0 млн.тн.си. “Тошкент - Ўш” автомобил йўлини “Қамчик” довонига йўналтирилиши бўлди.

Ўзбекистон худудларидан 22% дан ортиғи тоғли туманлардан иборат. Тоғли ерларнинг мураккаб рельефи автомобилни хавфсиз ҳаракати ва ишлаш тартибига таъсир қиласи. Тезликка ва хавфсиз ҳаракатга пландаги кичик радиусли эгри ва катта бўйлама қияликлари таъсир этади. Ўзбекистондаги тоғли ерлардан ўтадиган тоғ йўллари 3 % ни ташкил этади. Тоғли йўлларда довонли қисмлари бўлган автомобил йўли А-373 “Тошкент-Ўш” 116-214 км бўлаклари, “Қамчик” довон автомобил йўли, М-39 “Олмаота- Бишкек-Тошкент- Термиз” 1120-1145 км бўлаги, “Тахтакарача” довони 1302-1320 км бўлаги, “Оқработ” довон йўллари давлатимизни асосий иқтисодий артериясидир.

Автомобил йўли А-373 “Тошкент – Ўш ” нинг “Қамчик” довонидан 16,2 млн.тн ҳажмидаги юкларни ташиш, шунингдек бу бўлакларда 2009 -йил бошида ҳаракат жадаллиги 10415 авт/сут, йилнинг ўртасида эса 15851 авт/сут, ҳаракат жадаллиги юқори бўлган вақтда эса 18250 авт/сут бўлиши кўрилган.

“Ўзавтойўл” ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовни 2007, 2008, 2009 йилда юқорида келтирилган қонунлари фармойишлари, қарорлари амалда бажарилмоқда.

“Қамчиқавтойўл” корхонаси бўйича бажариладиган сақлаш ва таъмирлаш ишларини ҳажми белгиланди, шунингдек, 2010 йилнинг 1-

ярим йиллигига корхонани юқори малакали инженер - техник ходимлар билан таъминлайди.

“Қамчиқавтойўл” корхонаси бўйича 2010 йилда ишчи ва инженер-техник ходимлар малакасини ошириш графиги тузилиб, 89 та мутахассисларни ўқитадиган жойи, вақти, яъни Намангандаги ўқув маркази, Тошкент автомобил йўллар институти кўрсатилган ва ҳозирда улар иш бошланган.

Ўзавтойўл ДАК бўйича йўл хўжаликлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида 2010 йилга 15 та турли институтларда, ўқув марказларда 122 та мутахассислар тайёрланиши кўзда тутилган.

2007 йилда умум фойдаланувдаги 42530 км йўлининг техник ҳолати назорат қилинди ва 278,0 км қайта қурилди, 278,8 км тўла таъмирланди, 244,0 км юқори тоифага ўтказилди, 75,0 п.м. янги кўприклар қурилди, 3 та кўприк қайта қурилди. 757,0 п.м сув ўтказгич қувурлари ва 492 пм сув ўтказгич қувурлари узайтирилди.

Шунингдек, йўллардан фойдаланишини яхшилаш, хавфсиз харакатни ошириш мақсадида 8688 та янги йўл белгилари: 31136 та 44,5 км йўл тўсиқлари, 26486 та йўналтирувчи устунчалар 168,5 км пиёдалар йўлаги таъмирланди, 235 та автобус бекатлари 483 та автобус бекатлари қурилди.

2007 йилда қилинган ишлар, асосан М-37, А-373, М-39, А-380 йўллар бўйича олиб борилиб, 91629,3 млн. сўмлик ишлар бажарилиб, 2006 йилга нисбатан 275,9% ташкил қилди. 2008 йилда 59.286 дона янги белгилар ва эски белгиларни алмаштириш, қатнов қисмини белгиланиши, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, автобус бекатлари қуриши ва таъмирлаш учун 311819.0 млн сўмлик иш бажарилди, бу 2007 йилга нисбатан 128,6 % га ортиқ бажарилади. Бу ишлар А-373 ни 216-274 км лар 411-904 ва 4Р-148; М-34 ни 104км; М-39 бўйича ҳамда А-30, М-34 бўйича тўла ва ўрта таъмирлаш обьектларида иш бажарилган.

2009-2014 йиллар ичидә 23 та кемпинг, 28 та мотель, 75 та автомобилларга газ қўйиш станцияси, 73 та техник хизмат ва тиббий ёрдам станциялари, 47 та автомобиллар қисқа вақтга тўхташ майдончалари қурилади.

Президентимиз томонидан чиқарилган “2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1103 қарорига асосан Ўзбекистон миллий автомагистралини йўналишларини номи ва унга кирадиган автомобил йўллари бўйича 2009-2014 йиллар ичидә кўриладиган транспорт ечимлари, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва йўлни техник параметрларини оширилиши ҳамда 4 полосали цементбетон қопламали йўлни узунлиги-400 км, 4 полосали асфальтбетон қопламали йўлинини узунлиги 813 км, 2 полосали асфальтбетон йўли 288 км ларга етади.

1488 км бўлган кўприк ва йўл ўтказгични қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 7 та транспорт тугунини қуриш режалаштирилган.

Кейинги йилларда соҳа олимлари билан хамкорликда йўл соҳасига тегишли 20 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар, норма ва қоидалар ишлаб чиқилди. Ёш тадқиқотчилар илмий ишлари натижалари меъёрий ҳужжатларда акс эттирилди. Замонавий талабларни ўзида акс эттирган ушбу меъёрлар ва қоидалар республикамиз учун жаҳон стандартларига мос келувчи автомобиль йўлларини қуриш имконини беради. Хулоса қилиб айтганда, транспорт қурилиши соҳаси бўйича олиб брилаётган бу ишлар Республикализ Президенти томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширилишига қаратилгандир.